

УЎК: 613.81/613.84+612.345

НИКОТИН ИНТОКСИКАЦИЯСИНИНГ ОШҚОЗОН ОСТИ БЕЗИ МОРФОЛОГИЯСИГА ТАЪСИРИ

Ахтамов Азизбек Аваз ўгли.

Раджабов Ахтам Болтаевич

*Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти
Анатомия ва оператив хирургия топографик анатомия (ОХТА) кафедраси.*

Тадқиқот мақсади. Экспериментал 9 ойлик оқ зотиз каламушларда никотин интоксикациясининг ошқозон ости беши экзокрин ва эндокрин компонентларида юзага келадиган морфологик ҳамда морфометрик ўзгаришларни аниқлаш ва уларнинг патогенетик аҳамиятини баҳолаш.

Материаллар ва усуллар. Тадқиқот 60 та оқ зотиз каламушда ўтказилди. Ҳайвонлар назорат ($n=30$) ва тажриба ($n=30$) гуруҳларига ажратилди. Никотин интоксикацияси 30 кун давомида кунига икки маҳал тамаки тутунини пассив ингаляция қилиш йўли билан моделлаштирилди. Ошқозон ости беши тўқималарида стандарт гистологик бўйаш усуллари қўлланилиб, морфометрик кўрсаткичлар ёруғлик микроскопияси ёрдамида баҳоланди.

Натижалар. Никотин таъсири остида ошқозон ости безининг массаси $0,91 \pm 0,04$ г дан $0,78 \pm 0,05$ г гача камайди. Экзокрин аппаратда ациналар майдонининг 9820 ± 310 мкм² дан 7140 ± 280 мкм² гача қисқариши, уларнинг диаметрининг $41,3 \pm 1,8$ мкм дан $33,8 \pm 2,2$ мкм гача камайиши ва апикал зонанинг $3,4 \pm 0,2$ мкм дан $2,1 \pm 0,3$ мкм гача юққалашиши қайд этилди. Каналчалар тизимида бўлакчалараро каналчалар кенгайиши ($19,4 \pm 1,2$ мкм дан $27,5 \pm 1,4$ мкм гача) ва эпителий десквамациясининг 52% гача ошиши кузатилди. Эндокрин аппаратда Лангерганс оролчаларининг диаметри $132,0 \pm 6,0$ мкм дан 108 ± 5 мкм гача камайиб, β-ҳужайралар улуши 62% дан 49% гача пасайди.

Хулосалар. Никотин интоксикацияси ошқозон ости безининг экзокрин ва эндокрин тузилмаларида дистрофик ҳамда атрофик ўзгаришларнинг ривожланишига олиб келиб, токсик панкреатопатия шаклланишида муҳим патогенетик омил сифатида намоён бўлади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Иванов, И.И. Поджелудочная железа: анатомо-физиологические аспекты. – Санкт-Петербург: Наука, 2019. – 256 с.
2. Орлов, П.Н. Никотин и его влияние на эндотелиальную функцию. – Журнал экспериментальной патологии, 2021, т. 15, № 3, с. 45–53.
3. Huang, J., Singh, P. Morphological effects of inhaled tobacco smoke on the pancreas. – Histology and Histopathology, 2022, vol. 37, no. 1, pp. 45–58.